

*Хар не гардун бахр ила конида бор,*

*Онча юз Аттор дўконида бор...*

**Алишер Навоий.**

**I**

Буюк санъаткорлар бошкаларга нисбатан кўп билишган ва кенг кўламда мушоҳада юритишган. Уларнинг тафаккур тарзи, ҳақиқат туйғуси ўзгаларникига ўхшамаганлиги сабабли ҳам кўпчиликни кизиктирган. Айниқса, рост ва мардона фикр юритган, ҳар бир сўзи, ифодасида инсон тақдири сир-асрорини чуқур ёритган ижодкорлар эъзозланган. Адабиёт шундай даҳоларнинг асарларида адабиёт ўларок ўзининг куч-қуввати ва фазилатларини намойиш этган. Лекин дунё тарихининг ҳеч бир даврида адабиёт мутлак эркинлик – даҳлсиз хурриятни кўлга киритолмаган. У ёки бу шаклда қаршиликларга учраб, баъзан темир тўсиқларни парчалашдек енгиб ўтиш синовларини ўтказган. Адабиётнинг ўткинчи ғам-гусса, тайинсиз шодликлардан четлашувининг бир сабаби ҳам шу. Муҳаммад Ризо Огахий бир газалида:

Шодлиг хирси балоларга солибдур барчани,

Вокиф ўл, эй Огахий, чекма балойи шодлиг,

дейди. Хавойи қувонч ва сохта шодлик кўпчиликни маънавий ҳалокатга қандок

гирифтор килишини чин санъаткоргина фахмлайди. Шу ўринда бир файласуфнинг “Кулма! Йиглама! Лаънатлама! Лекин англа!” деган сўзлари ёдга келди. Бу гапга эътироз билдириш осон: хаёт кимнидир кувнатса, кимнидир йиглатади. Кимлардир дунёдан рози бўлса, яна кимлардир норози яшайди! Бошқача бўлиши мумкин эмас. Худди тун ва кун, нур ва зулматга ўхшаб бахт ила бахтсизлик, шодлик ила кайгу, омад ва надомат узлуксиз тарзда жой алмашади. Хаёт аслида шуниси билан кизик. Сиртдан каралганда, унинг адолати ҳам, адолатсизлиги ҳам шунда. Аммо инсоннинг бахт деб билгани хақиқатда бахтми? Бахтсизлик дея тасаввур этгани чиндан бахтсизликми? Бу саволларга факат ўзини англаган кишигина тўғри жавоб топиши мумкин. Колганлар-чи? Наинки кулиш-йиглаш, айблаш ва лаънатлашда ҳам адашувчилар кўп. Албатта, тушунган одамга огир. Англаган андух чекади. Ўзни таниш дастлаб ҳеч кимсага кувонч багишламаган, багишламайди ҳам. Энг катта ганимни ботинида кўра олган кишининг дили, холи, хотири ҳам тубдан ўзгаради.

Яшаш учун фикрлаш бошкаю, фикрлаш учун яшаш бир бошка нарса. Агар инсон сийратида гунчадай очилажак чечаклар бўлмаса, хаётда яратиладиган ёхуд хаётдан оладиган гўзалликлар ҳам йўқ демак. Зеро, хаёт “кулфи”ни очадиган калит инсоннинг сийратидадир. Шу боисдан Шарк тасаввуф адабиёти дунёнинг ҳар қандай мураккаб ва зиддиятли мууммоларини шахснинг ички олами орқали ёритишни бош вазифа этиб белгилаган. Инсон тақдирининг илохий асослари қаерда, уларни ҳаққоний мушоҳада қилмаслик қандай ёмон ва аянчли оқибатларга олиб боришини бу адабиёт аввалданок яхши англаган. Форс-тожик шеърятининг бир неча асрлар мобайнида сўфий ва мутасаввифлар кўлига ўтиб, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий каби шоирларнинг асарлари жаҳон бўйлаб алоҳида кизиқиш уйготганлиги тасодиф эмасди. Тасаввуф илмининг улкан билимдони, машхур “Гулшани роз” китобининг муаллифи Махмуд Шабустарийда шундай байт бор:

Маро аз шоири худ ор н-ояд,

Ки дар сад карн чун Аттор н-ояд.

Мазмуни: мен ўзимнинг шоирлигимдан ор қилиб, уялмайман. Бирок Аттор сингари шоир юз асрда бир маротаба дунёга келади. Шайх Фариддудин Атторнинг хаёти ва шахсини билган, озми-кўпми ижодиётдан хабардор киши Шабустарий таърифини муболагали ҳисобламайди.

“Асрорнома” асарида эса Аттор хазрат Пайгамбар (с.а.в.)га шеъру газалларимни кўриб:

Менга шоир дебон солма назарни,

дея илтижо этади. Нега? Динимизнинг мукаддас китоби Куръони каримнинг олти ўрнида шеър ва шоирлик борасида сўзланган. “Шуаро” сурасида шоирлар танкид килинган. Шунингдек, Куръон калималари билан шоирларнинг сўзларини аралаштирмаслик, яъни вахий ва илхом ила шеър орасида туб мохиятда аввалдан фаркланиш мавжудлиги катъиян таъкидланган. Айрим набавий хадисларда эса манбаси илхоми раббоний бўлган шеър хикматни акс эттирса, асоси нафсонийликдан иборат шеър сеҳр хусусиятига эгалиги, калбни сеҳрлаб, зехнига таъсир ўтказгани билан мутлак хакикатга ошно этолмаслиги айтилган. Сўнгра маъно хусусидаги бахсу мунозаралар ўртага чиккан. Ва тасаввуфий истилох сифатида “маъно”нинг мохияти бойитилиб, рух, илохий бирлик мазмунларини ифодалашда фаол қўлланилган. Абдулазиз Даббог “ал-Ибриз” китобида ёзади: “Жаноби Хак валилари учун маънавий шароблар хозирламиш. Валилар ул шаробдан кониб-кониб ичгач, нафс чиркинликларидан покланадилар. Кейин эса вужуд юкларини енгиллатиб, хакойик тарафга парвоз киладилар. Бу парвоздан улар нашъаланадилар ва маъно оламида мутахаййир бўладилар...”. Фариддин Аттор шундай вали зотларнинг султонларидан бири эди. Рухониятда Атторга тенглашиш, ишқда Аттор каби ёниш ва калам тебратишга шоирлик таланти кучсизлик киларди. Унинг шуури – валийлик шуури. Мавлоно Жалолиддин Румий “Маснавий”нинг биринчи дафтарида, агар сен башарий сифатларингдан ўзингни тозаласанг, зоти покинг мусаффолигини кўра билурсан деганлар:

Хешро софй куни аз авсофи худ,

То бибинй зоти поки софи худ.

Азоб ва изтиробли бу маънавий-ахлокий “тажриба”нинг ранг-баранг бадий талкинларини яратган Шарк шоирларининг пирларидан бири хам Фаридиддин Аттордир.

Маълумки, Эронда мавке топган мутасаввифларнинг аксарияти шоир бўлиб, ирфоний фикрларни шеърий шаклларда ифодалашнинг зўр мактабларини яратишган. Тасаввуфий мазмундаги уларнинг шундай рубоийлари борки, катрада чиндан хам бир

дарё акс этган дейсиз. Нафсга шафкатсиз нигох ила карашга тарафдор шоирлардан бири ёзади:

Эй фиску фужур кори хар рўзйи мо.

В-эй пур зи харом кисаву кўзаи мо.

Механдад рўзгору мегирад умр,

Бар тоату бар намозу бар рўзаи мо.

Мазмуни: Бизнинг хар кунлик ишимиз, афсуски, фиску фужурдир. Кисса ва кўзамиз харом билан тўлади. Бизнинг тоатимиз, намозу рўзамиздан эса рўзгор кулади ва умр йиглайди. Рўзгор ва турмуш кулгусига қолиб, умрни йиглатмасликнинг илк чорасини сўфийлар ўзни тадқиқ ва тафтиш айлаш, ўзи хақида нотўғри тасаввурга кўникиб қолмаслик деб белгилашган. Чунки ўз ахволини хато англаш дунёдаги барча ҳақсизлик, зиддият, зўравонлик ва ёмонликларнинг замини бўлиб, бунда ҳамиша жаҳл – ақлу донишнинг, уятсизлик – уят ва андишанинг, зулм – адолат ва ҳимматнинг ўрнига даъвогарлик қилади. Бунақа ҳолатда ўзининг ҳасталиги билан одам ўзи олишиб, ўзининг разолати ва маккорлигидан ўзи безор бўлмаса, ўзгаларнинг асабини қашатиш ёки ошига оғу қўшишдан асло толиқмайди. Абдусайд Абулхайрнинг қуйидаги рубоийсини ўқиган ҳақ ошиқлари нафс измидаги “мен”ликни танишга янада қўпроқ уринишган:

Ё Раб, мани бечоро гирифтори ҳудам,

Гардида табиби ҳешу бемори ҳудам.

Абнои жаҳон зи ман ҳама безоранд,

Ман низ аз эшонаму безори худам.

Мазмуни: Ё Раб, мен бечора ўзим билан ўзим гирифторман. Бемор хам, табиб хам менинг ўзимман. Ахли жахоннинг бари мендан безордирлар. Мен хам ўшалардан бириман – чунки ўзим ўзимдан безорман.

Хуллас, агар шеър билан тасаввуф ич-ичдан ўзаро тил топишиб, узок пайт бир-биридан ажралмаган бўлса, бунинг ёркин манзараси форс-тожик шеъриятидир. Шохдан гадогача, олиму уламодан то оддий фукарогача – айтарли хамма шу туфайли хам тасаввуфий шеърят билан кизиккан. Умуман, кадимий Шарқда тасаввуф завк-шавкидан йирик қолиш бир ноқислик саналган. Чунки мутасаввиф ижодкорларнинг асарларини ўқиб-ўрганиш, энг аввало, нафсга жило бериш, рухий хаётни гўзаллаштиришга илхомлантирган.

Канот ёз, маънилар осмонига уч,

Фалакнинг етти юксак копкасин куч,

дейди Аттор. Бундай чорловларга лоқайд қолиш мумкинми?

Бир канча адабиёт тарихчиларининг эътирофларига караганда, энг самимий, вақт синовларига бемалол дош беришга қодир санъат асарлари – бу тасаввуфий ижод намуналаридир. Бундай асарларда шоир Шахсиятига мутлақо уйғун равишда ишонч-эътиқод, содиқлик, самимият гурқираб туради. Аттор ижодиёти шу гапнинг ростлигини тўлиқ тасдиқлайди.

Аттор жуда махсулдор шоир. Ризоқулихон Хидоят шоир асарлари сонини 190 та деб кўрсатган экан. Бошқа бир олимлар 114 та, 140 та деб қайд қилишган. “Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик”да ўқиймиз: “Атторнинг шеърӣй меросидан сўз юритган Лутфалибек Озар “Оташқада”да “фақир унинг эллик минг байтини мутолаа қилдим”, дейди. “Мантик ут-тайр” ҳозирги ҳолида 4600, “Илохийнома” 6511, “Мушибатнома” 7535, “Асрорнома” 3305, “Хусравнома” 7838 байтдан иборат. Буларнинг жами 29789 байтни

ташкил этади. Агар бунга 5000 байтлик “Мухторнома” ва турли жанрдаги шеърларни ўз ичига олган 9943 байт хажмидаги девони кўшилса, Аттор шеърӣй меросининг умумий сони 44 732 байтга етадики, Лутфалибек Озарнинг шоирнинг икки китоби етиб келмаганлиги хусусидаги гапи хам тўғри чиқади” (Душанбе, 1988, Чилд I, сах. 194.).

Аттор табиатан илхом ва ижод кишиси эди. Унинг насри хам, назми хам илм ва маърифат устида кад ростлаган. У Шаркнинг Форобий, Ибн Синога ўхшаш мутаффиқлари гоёлари билан яхши таниш бўлган. Араб тасаввуф адабиётини пухта ўрганган.

Фирдавсий, Хайём, Газзолийлар тугилиб камолга етишган юрт фарзанди эканидан у доимо фахр-ифтихор туйган. Энг мухими, тасаввуф шеърӣяти ишк ва кўнгил ойнаси эканига Аттор хаммани бирдай инонтира билганди. Буни инкор қилиш, Абдурахмон Жомий таъкидлаганидек, зор йиглашга кўникиш дегани эди:

Тутди Аттор назмидин оламини буткул атри ишк,

Хожа, ким Атторни инкор айласа зор йиглағай...

Атторга қарши чиккан замонлар хали олисда эди.

## II

Тарихга айланган асрлардан бирортаси хам башар фарзандларини бахт ва саодатга эриштирдим ёки хотиржам эта олдим, дея мактанолмаса керак. Олдинги асрнинг қайғу ва кулфатлари кейингисига ўхшамайди. Бирининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий муаммолари бошқасиникидан ортиқроқ. Ёхуд кескинроқ. Шу маънода XX аср ўзидан аввалги деярли барча юзйилликлардан фаркланади. Тараққиёт ва тамаддуни

нечоглик юкори бўлса, таназул ва каттоллиги унинг шунчалик чексиз-чегарасиз. Бир замонлар Оврупода илгари сурилган “инсонни тангрилаштириш” гоёси худди шу асрда чўккисига кўтарилиб, К.Маркснинг “Бутун тангриларга ўчим бор”, Ф.Нитшенинг “Тангри ўлди!” деган фикрлари амалда исботини топди. Оллохга карши очик-ошкора жанг, дахрийлик уруши Гарб таъсирида Шарк минтакаларида ҳам авж олдириб юборилди. Бу –ахлокий-сиёсий телбаллик ва бузгунлик эди, албатта. Марксизм-ленинизм таълимоти ва тарғиботи наинки давлат, наинки “буржуазия”га, миллий, диний муассасаларга карши адоват, нафрат ва душманликни талкин киларди. Мистикани коралаб ўзи “мистик бир хол тусини олган марксизм гайриинсоний бир тарзда кулоч ёзиб, инсонларни, бутун бошли миллатларни шахсиятсиз, хурриятсиз, динсиз, ахлоксиз, исмсиз ва маданиятсиз “тўда”га эврилтиришга бел болаганди” [1].

Октябрь тўнтаришидан кейин Оллох, Пайгамбар ва диндан юз ўгириш, уларни тахкирлаш фахр-ифтихор мартабасига кўтарилган эди. Давлат, сиёсат арбоблари катори бунда шоир, ёзувчи, олимлар жамоаси ҳам ташаббускорлик килишарди. Мана бунака байт тўкиш омманинг янги фикр-карашларини акс эттириш саналарди:

“Кишти фатхам ба сохил мерасад бо инкилоб,

Нохудои хеш дорам ман, худо даркор нест”.

Мазмуни: фатх ва зафар кемам инкилоб туфайли сохилга омон-эсон етиб боради. Мен худосизликни макбул кўраман, худонинг хеч кераги йўқдир.

Бу энди тарихда мисли кўрилмаган бир маънавий фалокат эди. Бу –шайтонни ҳам кўркувга солган имонсизлик галаёни, инсонни хайвонлаштириш жараёнидан ўзга бир нима эмасди. Акл ва тафаккур илохий илдизидан узилгач, илм-фан фойдадан кўра каттик зиён етказиши, бора-бора кўркинч нарсага айланиши хусусида чурк этиб бўлмасди. Вахоланки...

Кадим замонларда Хиндистон томонларда тўртта брахман яшаб ўтган – учтаси олим, биттаси холис бир акл эгаси бўлган экан. Халиги уч олим шу даражада кўп илмга етишишибдики, охири ўзларининг заковату салохиятларини кўрсатиш учун олампадох саройга боришга қарор килишибди. Тўртинчи одам эса уларга шунчаки шерик бўлибди.

Кетаётиб улар ўлган бир шер жасадига дуч келибди. Шунда биринчи олим “Мен шу шер жасадига гўшт пайдо кила оламан”, дебди. Карангки, айтаганининг уддасидан чикибди. Иккинчи олим, “Мен гўшт устига тери коплайман”, дебди. Бу иш хам бажарилибди. Учинчи олим эса “Энди шерга мен жон киритаман”, деганда аклли одам “Илтимос, бир пас шошманглар. Дархатга чикиб олай”, - дебдию бир зумда юкорига кўтарилибди. Хуллас, учинчи олим шерни тирилтиргач, учовини хам ебди. Аклли одам дарахтдан тушиб омон-эсон уйига кайтибди.

Ривоят жуда ибратли ва Оллох ато этган соглом аклга асосланмаган илм олимнинг ўзини аввало халокатга гирифтор килади, деган маъно унда чиройли ифодаланган. Колаверса, ўша уч худпараст олимнинг суякларини тўрт оёкли шери даррон гажигани йўк – ўз нафсу хавосига улар курбон бўлишган.

Бирор жон билмади: жон не эмишдир?

Бирор тан билмади: тан не эмишдир?

Кулок сир укмади гар тинглади мўл,

Хабардор бўлмади кўз кўрса хам ул.

Нечун гўё эрур тил, билмагай, бас,

Нечун кувватлидир тан, доги билмас...



Атторнинг бу сўзлари айримларни ажаблантирса ажабмас: нахотки дунёда бирор кимса огох ўтмаган бўлса? Нахотки, одам қисматида гафлат ва ожизликдан бўлак бир нима ёзилмаса? Нафс ахлоқ ва қалбга ҳукмронлик қилганида ҳамиша шундай бўлган.

Яхши ҳамки, жаҳонда рух ва имонни асраб-авайлайдиган илохий қалима, муқаддас тушунчалар бор. Инсонни шулар ҳақ ва ҳақиқат йўлига бошлайди, ахлоқ ва қалб ҳасталиқларини даволайди, шулар осий бандасини қуфру гуноҳдан асрайди. Рух ва тафаккурда уларга суянилмаса, улардаги маъно-моҳият тўхтовсиз кашф этиб борилмаса, ихтиёрий равишда одамзод ўзини азоб-уқубат, мусибат ва бадбахтликларга маҳкум этаверади.

Дунёда нима кўп – сир-синоат кўп. Бириси очилса, бошқаси яширин қолади; бирининг моҳияти англанса, бошқа бирларига ақлу идрок қучсизлик қилади. Олам буюк ва мухташам бир қитобга ўхшайди. Фикр, савиясига яраша ҳар ким бу “қитоб”ни варақлайди, ўқийди. Тушунса тушуниб, тушунмаса, тушунмасдан юраверади. Бирок борликни мушоҳада этиш, англаш, у ҳақда ҳукм чиқаришда умумий бирлик, тўла-тўқис ҳамжихатлик йўқ. Аксинча, дин, дунёқараш, турли-туман назария ва таълимотда фарқланиш, гоҳида ҳеч мувофиқ келмас зиддиятлар бор. Ханузгача ҳар хил ихтилофлар мавжуд. Аслида, улкан сир маҳзани зоҳирий олам эмас – одам ва одамийлик олами эрур. Дунёнинг энг яширин, энг нозик сир-асрорини фақат одам кашф айлашга қодир. Холиқни билиш ва танишга лаёқатли яққою ягона маҳлуқ инсондир. Унинг зиммасига фавқуллодда масъулиятли вазифа юқлатилган: Ўзни таниш. Ўз вужудида яширин маънавий-руҳоний сирларни англаш орқали Ҳаққа яқинлашиш. Инсон қавми учун бундан муҳим, бундан қийин ва шарафли иш топилмайди. Шу мақсадда йўл ахтарилган, кўп фикр-мулоҳазалар билдирилган. Натижа эса қаноатланарли бўлмаган. Маслак, эътиқод, мафкура жаҳҳасидаги тортишув ва ихтилофлар қучайса, қучайиб борганки, пасаймаган.

Алишер Навоий:

Сўзунгни қи яхши қўрарсен ўзунг,

Қўрунмас ёмон, чун эрур ўз сўзунг,

деганидек, хар мазхаб, хар гурух ва хар таълимот вакиллари ўзини хак хисоблаб, ўз акида ё гояларига каттик ёпишиб олишган. Мана шунда динни айблаш, инсондаги ахлокий ожизлик, фикрий куллик ва мутелик каби нуксонларни динга тўнкаш кучайган. Фожиа шундаки, дин ва шариат арбобларидан аксарияти ўша вазиятларда махдудлик, жохиллик ва шафкатсизлик намойишидан бошкага ярамай, не-не шахсларнинг умрини курбон килишган: бировнинг номига кофир тамгаси босилиб камокка тикилган, кимдир катл этилган, маърифат сохибларидан канчасининг хаёти азоб-укубатда ўтган. Бу фикрнинг далили шу қадар кўпки, бирма-бир эсланса, диндан кўркиш, баъзан очикдан-очик динга карши бош кўтариш тасодифан юзага калкмагани дарров равшанлашади. Характерли битта мисолга эътиборни қаратсак.

Улуг озарбойжон шоири Хусайн Жовиднинг “Шайх Санъон” драмасида бир дарвеш образи бор. Санъон дарвеш билан учрашгач, ундаги диний шубхачилик туйғуси янада кучаяди. Наинки, динларни, тарикатларни ҳам у “бир рўё” – асоси бўш афсонага чиқаради. Айни пайтда, бутун моддий борлик унинг нигоҳида маъносиз бўшлик, тамалсиз кўлка бўлиб кўринади. Дарвеш ёлғиз бир нарсага – Оллох нури тазаххур айловчи рух ва рухнинг абадийлигига ишонади. Колган барча мавжудлик: олам, хакикат, хаёт ходисаларини у рух ва гоялар дунёсининг зухрланишидан бошка бир нима эмас, деб хисоблайди. Унингча, ўзни камолга етказмок учун имкони бўлгани қадар “жинси башар”дан йироклашишга жаҳд айлаш лозим. Эран ва хол сохибларини у ўзига ўхшаб фавкулбашар бўлишга чорлайди:

Агар фавкулбашар бўлмок тиларсен,

Йирок бўл доимо жинси башардин.

Ана шу нуктаи назарга махкам ёпишган дарвеш Шайх Санъонни ҳам рад этади. Чунки унда хаётга, борликка боғланиш кўради, шон-шухрат, хузур-халоват туйғуларидан хали унинг бутунлай кутилмаганини хис этади. Санъон эса сигинадиган, иштибохсиз суяниладиган идеал бир хакикатни ахтарарди. Бу хакикат – инсон кадр-кийматини баланд кўтарадиган маънавий рухий хакикат эди. Шу билан бирга Санъон калбида икки хис, икки тушунча ўзаро курашар ва тортишарди. Бири – хаёт, тириклик севгиси, иккинчиси, илохий ишк. Санъон диний карама-каршилиқ, махдудлик ва мутассубликлардан бахс юритиб, дарвеш билан фикр алмашади:

– Дарвеш: Бир сабабсиз эмас бу хиддату кин!

– Шайх Санъон: Ихтилоф мазхабу дин.

– Дарвеш: Ана кўрдингми дин нелар тугдирар?

Не балолар, не фитналар тугдирар?

Дин бир бўлсайди ер юзида агар

Жуда масъуд бўлурди жинси башар.

Хуллас, дунёдаги барча диндан Санъон шубхаланади. Халк ва миллатларни бир-биридан дин йироклаштиради, орада ихтилофлар кўзгайди, акл бовар этмас фитна ва гавголарга бошлайди, деб ўйлайди.

Аттор яратган Шайх Санъон образи билан Хусайн Жовиднинг Санъони карашларида умумий бир монандлик мавжуд бўлса-да, Аттор на “Мантик ут-тайр”, на бошка бир асарида шахс камоли, умуминсоний бирлик масаласини исломни четлаб хал килишга қаратилган ҳеч қанака бир гап айтмаган. Бундай фикр унинг ҳаёлига ҳам келмаган. Бизнинг бу ҳақда тўхталишимиздан мақсад, шўро замонида яратилган тадқиқотларда Атторни исломга муҳолиф шоир қиёфасида кўрсатишга уринишнинг тамоман асоссизлигини таъкидлашдир. Аттор бўлмаса ҳам ислом бор эди. Аммо ислом бўлмаса, тасаввуф ҳам, Аттор ва унга ўхшаш шоирлар ҳам бўлмасди. Пайгамбар ё авлиё зотига Аттор паст назар билан қарамаган. Айни пайтда, Ҳазрат Мухаммад саллаллоху алайхи васалламдан ўзга ҳеч бир пайгамбар таърифиди:

Икки олам сарвари султони ул,

Икки олам жони ул, иймони ул...

Улки султон, кул ва махрамдир хама,

Улки шох, тобе, мусалламдир хама.

Чун азиз бошига тож кўндирди Хак,

Эшиги олдида тупрок бўлди халк –

дея сатрлар тизмаган. Аттор илмсиз диндорлик ва зохидликни (“Илмсиз зохид эрмиш деу шайтон, Илм сорига юр, эй гўру нодон”) ёкламаганидек, илму маърифатдан узок сўфийлик ва дарвешликка янада катъият-ла карши турган:

Илмсиз йўлга тушма, бўлма гумрох,

Йўлинг олис, коронгу, дамба-дам чох...

III

Хаётда хар кўрган, хар англаган нарсани ёзавериш шеър эмас – фикрни вазн ва кофияга мувофиклаштиришдир. Шеър – кўриш, англаш, энг мухими, хис килиш зарур бўлганни ифодалаш санъати. Ўқувчи шеър ўқиганда олдин билмаганни билиши, мушохада этмаганни мушохада килиши шарт.

Шеър ёзганда, ўзи ўйламаган бир холда шоир дард ва изтиробдан кутулишга интилади. Ички азоб ва гам-гуссадан озод бўлиш кайфияти баланд бир нуктага кўтарилгач, шоир дили вайрон, кўзи гирён одамга айланади. Шунда у на ўзини, на бошкани – ҳеч кимни аямайди: хакикат хисси хар нимадан устун келади. Окни – ок, корани – кора, дейди. Бундок десам нима бўларкан, ундок килсам не бўлар экан – бундай иккиланиш ёки эҳтиёткорлик ўртадан калкийди. Бирок шуурда зиё, рухда шаффофлик бўлмаса-чи? Хакгўйлик айбланиш, кораланиш ва нафрат сочиш билан чекланади – вассалом. Вахоланки, кахр-газаб ва нафрат шуурнинг пастлиги, азобнинг сустлигидан далолатдир. Камоли Форсий деган бир шоир ёзади:

Чист дунё? – Сарбасар вайронае,

Хасратободе, мусибатхонае.

Мо дар ў чун мург монда дар кафас,

Гашта дастомўзи обу донае.

Хосу ому шайху шобу неку бад,

Хар яке машгули решу шонае.

Пеши окил марди дунёдор кист?

Харзакоре, аблахе, девонае.

Мазмуни: Дунё нима? – бошдан-охир бир вайронадир. Биз унда худди кафасдаги кушмиз. Сув ва дон учун хам бировларнинг кўлига караймиз. Хос хам, авом хам, шайху ўсмир, яхши ёмон, хар бири соколу тарок ила машгул. Окил одамнинг назарида бой-бадавлат кимса ким? Ёлгончи, аблах ва девонадир...

Бу фикрларда бирорта хам галат сўз йўк – бари тўгри. Лекин дунёнинг ахволини билган, ранжу азобини хар кун сувдай симириб юрган кишига ушбу шеър нима беради? Газабга газаб, хасратга хасрат кўшишдан ўзга айтарли хеч нима бермайди. Эзилганни эзиш, гуссакашга гусса инъом айлаш учун шеър ёзилмайди. Истаган бир кимса дунёни сўкиб, бетига лой суртиши мумкин. Бу билан камбагал – бой, бадавлат – мурувватли, золим – одил бўла колмайди. Билъакс, ночорлик, бадбинлик кўникмаси чукурлашади.

Дунёдан нолиш ва шикоят, зулм ва хаксизликдан фиғон чекиш, гам-кулфатдан фарёд – асрлар мобайнида ана шу мавзу ва оханглар Шарк адабиётида етакчилик килган. Кайси шоир сўзига кулок тутманг: айрилик, ночорлик, ёлгизлик, мискинлик... Чор тарафдан нукул алам, йиги овози эшитилади. Бу камлик килгандай баъзи шоирлар унга ўлим нолаларини хам кўшишган. Масалан, Аттор фанони хотирлаш ва хотирлатишни хушлайди. Бирок у фанода тириклик ва тириклар манфаатини ёклаган, тирикликда ўлимдан баттар, ундан-да мусибатли ходиса ва холатлар мавжудлигига диккатни каратган.

Фаридуддин Аттор инсон онги, ботиний хаётини ўзгартирмай, зохирий дунёда олий орзу-умидларга етишиб бўлмаслигига тўла инонган ва бадий талкинларида буни исботлаган мутасаввиф шоирлардандир. Ахлок хасталиги, тафаккур тургунликлари, рухият ожизликларидан у шу сабаб кенг бахс юритади. Аттор буюк салафлари Мансур Халлож, Ахмад Газзолий тушунчаларидан илхомланиб инсон ва шайтон муносабати хусусида хам кутилмаган фикрларни ўртага ташлайди. Бошка жонзотлар нима сифатлари билан инсонга якин ва кайси фазилатлар одамни улардан ажратади – мутафаккир Аттор буни ўзича таснифлаштиради:

Овозим бор дея кўп бўлма мафтун,

Камишлар хам, ипаклар хам чекар ун.

Эшитгайман дея мактанмагил, тин,

Куён тинглай олур бир тош йирокдин.

Кўрармен дема, чумчук кам эмас, кўп,

Йигирма фарсанг олсидин кўрар хўп.

Сезарман деб дам урма, ўзни ўксит,

Ки сичкон хам узоклардин олур хид.

Хаёл бирлан ўзингни устун этма,

Ки худхуд хам солур тунга вахима.

Улардин ортигу афзалмидурсен?

Улардин покиза, акмалмидурсен?

Бу саволга жавоб кайтаришга шошилманг. “Асрорнома”ни ўкигач, ажабмаски...

#### IV

Шўро замонида ким нимани хохласа, ким нима деб коралашга майл сезса, тасаввуф ва тасаввуф адабиёти тўгрисида бемалол гапирган ва ёзган. Масалан, тасаввуф ва сўфийлик адабиётидан бахс юритган деярли хар бир китоб ёки маколада мана бундай фикр-мулохазаларни учратиш мумкиндир: “Тасаввуф адабиёти тасаввуфнинг ўзи каби ижтимоий ҳаётда тамомила раекцион роль ўйнади, бадбинлик ва таркидунёчиликни, “такдир”га тан бериш ва золимларга итоаткор бўлишни тарғиб килди, маданият ва маърифат тараккиётига карши шафкатсиз кураш олиб борди”. Холбуки, бундай бўлмаган. Тўгри, тасаввуфда хам, тасаввфий адабиётда хам маълум бир камчилик, тургун ва якранг акидалар бўлган. Бундан ҳеч кўз юммаслик лозим. Аммо ҳеч қачон тасаввуф адабиёти ижтимоий ҳаётда “реакцион роль” ўйнамаган. Ишк ва маърифат нури ила чулганган бу адабиёт инсонни нафсу хавога куллик, замонга карамликдан кутказишга куч багишлаган. Аттор ёзади:



Фигон, эй хирс ила овора жонлар,

Кучуксиз, олдингизда устухонлар.

Агар нафс шунча хунхор бўлмас эрди,

Халойик мунча абгор бўлмас эрди.

Чопарсиз кеча-кундуз, кун демай, тун,

Коринни бир балога тўлдириш-чун...

Башар дунёсида не дарду гам йўк,

Корин дардича лек дарду алам йўк...

Корин дарди ростдан-да бедаво. Уни даволашнинг сира иложи йўк. Кашшоклик, йўксиллик гирдобига ташланган шўрлик инсон дунёга “корин кўзи” билан карамасдан нима килсин? Боз устига, у илмдан, одамдай фикрлашдан мосиво этилган бўлса – комиллик орзусини кўнгилга қандай сизгирсин? Шунини ўйлай билишнинг ўзи катта ютук. Афсуски, гафлат, кўркув ва авомлик шунга ҳам йўл қўймаган. Атторнинг “хирс ила овора жонлар”дан фиғон чекиши, бизнингча, башариятни хунхорликдан, моддий манфаат учун ночор халқу халойикни гажиб абгор этишдан тийилишга ундовчи улуг фиғондир. Бирок унга ким кулок солган? Ким унга амал килади? Асосий фожиа ва кулфат шунда.

Кечиб ўздин, диёнат йўлига кир,

Шу нафсинг бут эрур, синдир, улоктир, –

дейди Аттор. Нечоглик кийин ва кийнокли иш бу. Нафс балосидан кутулиш осон кечганида, бут ўларок нафсига топинмайдиган одамларни замонасида кўпроқ учратганида мана бу хасрату андухларни Аттор коғозга сувратлантормасди:

Тополмасмен бирор улфат мувофик,

Фиғонким, дўсту хамдамлар мунофик.

Мунофикларки бизга хамнишиндир,

Азоби дўзах ул баским яқиндир.

Дило, жим тур, магарким махраминг йўк,

Дам урма, баски ёру хамдаминг йўк.

Оллохга сизинган, кўнглини содик улфат ва мархам сифатида таний олган хар бир ошик ё ориф худди шундай танхолик холига тушиши табиийдир. Бундай хол ичида бекаслик ва гарибликдан канча шикоят килиниб, юрак гам ва изтиробга тўлмасин, ботинда шодлик, хотиржамлик нури порлаб туради. Ва фавкулудда гўзал бир йирокликдан инсон кўнглига томон якинлашиб келинади. Албатта, гусса ва армон бу юрак саёхатида ортса ортадики, камаймайди. Бунинг сир-асрори нимада?

Ибн Халдуннинг ёзишича, вужуд воситасида одамлар хайвонот оламига, рухи оркали малаклар дунёсига боғланар экан. Рухонияти бакувват шахситяларгина жисмоний борлик тузокларидан кутулиб оламнинг гайбий сирларидан хам вокиф бўлишаркан. Ибн Халдун шу жихатдан одамларни уч тоифага ажратади: биринчиси, хис ва тушунчаси моддиёт чегарасидан нарига ўтолмайдиганлар. Зохирбин олимларнинг идрок тарзи хам ана шу чегара билан чекланади. Иккинчи тоифа, ботиний мушохада ва виждоний англашга сохиб кишилар. Аммо улардаги бу хол хам унча узок чўзилмаскан. Учинчи гурух, вужудий ва жисмоний борлик зулматидан халос бўлиб рухоният оламига юксалган ва хаёт ходисотларини шу юксакликдан туриб талкин килишга кодир зотлар. Аттор кўзлаган бош максад ва идеал хам аслида мана шу бўлган.

Бир сафар чогида машхур шайх Иброхим Хаввоснинг ётадиган тўшагида чаён ўрмалаб колибди. Буни кўриб сафардошларидан бири чаённи ўлдиришга чоғланганида, Иброхим Хаввос унга “Тўхта! Ўлдирма уни. Хамма нарса бизга мухтождир, биз эса хеч нимага мухтож эмасмиз”, деган экан. Бунака холислик макomini эгаллаш учун ранжу риёзатдан ташкари, инсонда валийлик салохияти хам бўлиши лозим. Агар бу нарса инобатга олинмаса, Атторнинг фано таърифидидаги фикрларини англаш нари турсин, куйидаги сингари сўзларидан нотўгри хулоса чиқарилиши мукаррардир:

Хама хечдир, фанодир, чанг, кукундир,

Хама тилсимга ўхшаб юз тугундир.

Хаёлдир улки билдинг, хайрат этдинг,

Садодир улки оламда эшитдинг...

Бу вахм ва хаёл чангалидан инсон халос бўлиб биладими? Билади, факат пайгамбар, улуг шайхлар таълимотини сидки дилдин ўрганиб, ўзлаштира олса, дейди Аттор. Ва барча сўфий ва мутасаввифларни бир хилда кизиктирган хадисларга амал килишни тавсия этади.

“Ўлмасдан бурун ўлинг!” хадисининг мухтасар мазмуни – маънавий хаётда ўлмайин десанг, кофир нафсингни забун кил, яъни: “Эшак бил нафсни, унга банда бўлма, Тириклик кўйида шарманда бўлма”, деганидир. Шу боисдан ҳам Аттор:

Агар ўлмасдин олдинрок ўларсен,

Хисобсиз фойдага ноил бўларсен,

деб ёзади. Буюк шайхларнинг тажрибаларини эса ўртак хисоблайди:

Азизларким жахонда бор эмишлар,

Улар ўз нафсидан безор эмишлар.

Уларким урмади нафс йўлида гом,

Йирок эрди улардин айшу ором...

Биз нафс ва нафсга карши кураш хусусида кўп гапирамиз-у, аммо бу ишнинг нақадар огирлиги ва натижасини етарлича тасаввур ҳам ётолмаймиз.

Абу Наср Саррожга кўра, “Нафс мухтож ўларок яратилмишдир. У факирликни асло хушламайди... Нафс бойликни севади. Бой-бадавлатлик кибру хавога ҳам мувофик келади. Чунки бойлик “хузуз”, яъни лаззатланиш туридандир”.

Тасаввуф ахли бекиёс нафсшунос бўлгани каби, дунёнинг турли-туман холлари, хаво ва хавас найранглари, нафснинг яширин орзуларидаги тубанлик, ёмонлик ва ўткинчи лаззатларини чуқур билгувчилардир. Уларнинг эътиқоди бўйича, нафсга карши жанг ва уни поклашдан кўзда тутилган асосий муддао ёки натижа кашф ва илхом эди. Боязид Бистомий нафс мужоадаласи нихоясида кашфга қандай етишганлигини изохлаб дейди: “Ўн икки йил нафсимга кўрикбонлик килдим. Беш йил ўз калбимнинг ойнаси бўлдим. Бир йил мобайнида шу иккиси орасидаги нарсага қараб юрдим. Сўнгра ботинимда бир зуннор кўрдим. Ўн икки йил шу зуннорни кесишга қуч сарфладим. Уни қандай кесиб ташлашни англагач, менда кашф пайдо бўлди. Шунда одамларга назар ташладим ва барчасини ўлик кўрдим”. Бистомий айтган “зуннор” алдамчи дунё билан боғланиш ва алоқа, уни узиб ташлашга уриниш – мужоада, кашфдан сўнг одамларни ўлик ахволда кўриш эса, “дунёпараст ножинслардан” робитани тамоман кесиш. Акс холда, ҳақ ва ҳақиқатга доир ҳар қанақа гап нисбий ёки алдам-қалдам бўлиб қолаверади.

Абу Ҳафс Шаҳобиддин Умар Сухравардийнинг эътирофича, “Сўфийлар бошқа мусулмонлар орасида Расулulloҳга том маъноси ила садокат кўрсатишга муваффақ бўлган кимсалардир. Чунки улар, Пайгамбарнинг сўзларига қайтсиз бўйин эгганларидек, унинг амрларини ҳарф-харфигача бажо қилганлар”. Бу фикр Атторга ҳам тегишли. У ҳақшуносликнинг тамали – ҳакни-ҳақ, ботилни-ботил сифати ва шаклида кўришни

Пайгамбардан ўрганиш зарурлигини таъкидлайди:

Кўринса нарсаларнинг асли холи,

Не эрди Мустафонинг ул саволи?

Деди у юзланиб Хак сори: Эй Хак,

Менга хар нарсани аслича кўрсат...

Одам боласи хар нарсани кандок бўлса, худди шундай тарзда кўриб, билганида эди, дунё аллақачон хакикат ва диёнат, тинчлик ва хуррамлик кошонасига айланарди. Шунингдек, фикр, тушунча, акида торта-тортлари-ю, гавголари хам кескин бархам топарди. Мана шунда инсон ўткинчи орзу-хавас, беҳуда ва бетайин ташвишларга умрини камрок қурбон этарди.

“Асрорнома” инсон мохияти сирларини бадий талкин қилишга бағишланган асар, яъни ирфон китоби. Ундаги деярли хар бир калима, хар бир фикр ва ифода Ўзлик, ўзни англаш, “Мен”лик изтиробини теранлаштириш истаги меҳварида айланади. Одам шахсиятига Аттор наинки башарий, балки илохий кудрат манбаи деб қарайди. Унингча, кўнглида ишк ва маърифат чараклаган инсоннинг Хакдан ўзга ҳеч ким ва ҳеч нарсага таслим бўлишга ҳақки йўқ. Зеро, инсон эрки ва ҳуқуқининг таянч нуктаси хам шудир. Одам агар ўзига ўзи маърифатсизлик, хайвонлик ва шайтонликни раво кўрмаса, бошқа биров уни хирс ва манфаат маҳбуси, тубанлик ё жаҳолат малайига айлантиролмайди. Нафсини у кўркита билмагани сабаб зўравонлик ва ўлимдан кўркиб-қакшайди, ботинидаги “ганжи нихон”ни тополмаганидан зохирий бойлик гамида ўзини дару деворга уради. Нимага эришди, нимани йўкотди, заволи нима, қамоли не – гофил, гумроҳ банда буларни очик-ойдин сарҳисоб этолмайди. Натижада, умр кундан-кун рўёга дўнади. Гафлат пардалари кўпайиб, қалинлашади. Хак, хакикат, дин, диёнат, юрт, миллат-хамма-хаммаси амалдан айри гап – қурук иддао бўлиб қолади. Бу ҳолатларни Аттор

мантикий-психологик бир узвийликда тахлил килар экан, улардан кутулиш – вужуд “зиндони”дан озод бўлиш чораларини хам асослаб беради:

Ўзинг ганжсен, вале кон ичра махбус,

Ўзинг жонсен, вале тан ичра махбус.

Палидлик, гушналик бирлан адосен,

Вале билгаймусен, кимдан жудосен?

Албатта, Хакдан. Шоир “Илохийнома”да Хакни эшлашни ўзни эшлаш билан тенг кўяди: “Уни ёд айласанг хар лахза, эй кул, Ўзингни хар нафас ёд этганинг ул”. “Мусибатнома”да эса:

Холико, то ин сагам дар ботин аст,

Рохи чонам сўи ту ноэмин аст,

яъни: Холико, токи бу итим ботинимда экан, Сен томонга элтадиган жонимнинг йўли тахликалидир, дейди.

V

Аттор – ишк ва ирфон, хаёл ва хуррият шоири. Ишк, илохиёт, рухоният сирларини ёритиш – Аттор учун энг мухими ва кизикарлиси ана шу. Бу дегани – Аттор вокеликдан ажралиб, хаёт ва турмуш муаммоларидан ҳеч баҳс юритмаган дегани эмас, албатта. Кай шоирки, инсон хақида ўйлаб, унинг дарди билан куйиб-ёндими, демак, у зарур нарсани ўйлайди. Факат буни ҳамма ҳам билолмаслиги ёки фахлмаслиги мумкин. Аттор “Хусравнома”да кизик бир гапни айтади: “Ба маъни нав кун ин чони кўханро” – “Маъни ила бу эски жонни янгилар”. Шоир маънони куч-куватига шунчалик ишонган ва уни покизалаштирганидан фахрланган: “Маоний гуфтамун покиза гуфтам”. “Асрорнома”нинг йигирма биринчи мақоласидаги сўзлар бошдан-оёқ онг ва ахлоқни тозалашга сафарбар этилган деса, ҳато бўлмас. Ундаги асосий фикрлар: куйган бандога ҳеч адоват қилмаслик; ҳасад ва ҳусуматдан ҳалос бўлиш; дўст танлашда адашмаслик; гўл ва нодон қимсалар билан ҳеч улфат бўлмаслик; ҳовликмалик ва шахватдан сакланиш; тил ва сир одобини билиш; синовдан ўтган одамга шубҳа билан қарамаслик; бошқаларга беҳуда дашном бермаслик; ҳар турли тортишув ва талашувларга бош қўшмасдан иш билан шугулланиш қабилардан иборат. Шоир ҳатто таом ейиш одобини ҳам назардан четда қолдирмайди:

Таомга ружу қилма, гар эсанг эр,

Таомни сен емайсан, ул сени ер...

Баъзи бировлар сўфий ё мутасаввиф ижодкор деганда оёғи ердан узилган, самовий туйғуларга тутқун, оддий инсоний ҳақиқатларни ҳеч назарга илмайдиган қаламкаш қиёфасини тасаввур қилишади. Аслида эса ҳаммаси ўзгача. Сўфийман деб ота-онадан меҳр риштасини узиб бўладими? Ёр ишқидан маҳрум қимсанинг Ҳақ дардида ўртанишида бир ноқислик ва маҳдудлик акс этмайдими?

Аттор “Асрорнома”нинг охирида ота-онасини хотирлайди ва шуларнинг дуоси шарофатидан мени суягил, дея Оллоҳга ёлворади:

Агар бўйнимда кўп айбу гуноҳдир,



Улар этган дуо менга панохдир.

Худойим, кўрдинг икки бериёни,

Уларни деб суя мен бенавони.

Ривоятга кўра, Хазрат Пайгамбар (с.а.в.) Мадинанинг бир махалласида асхоблари билан кезиб юрганда, бир аёл келиб, у кишини уйига таклиф килибди. Сарвари коинот ичкари киргач, олов ёнаётган ўчок ва унинг атрофида ўйнаб юришган болаларни кўрибдилар. Аёл эса Пайгамбардан сўрабди:

– Эй Оллохнинг расули. Парвардигори олам кулларига мархаматлими ёки мен болаларимгами?

– Албатта, Оллох мархаматли, – дебдилар Расулуллох.

Аёл яна сўрабди:

– Болаларимни мен хеч вақт оташга ташлашни истамайман. Оллох шу қадар мархаматли бўлса, унда куллари ни нечун оташга ташлар?

Бу воқеани хикоя қилган саҳоба сўз охирида: “Пайгамбар йигладилар ва айтдиларки: “Менга ҳам шундай вахий этилган эди”, – деган экан.

Онанинг фарзанд хаёти ва такдиридаги мархамати, илохий мавқеини бундан ошириб таърифлаш кийин. Гап шундаки, Аттор ҳам онасини қарийб ана шу даражада шарафлайди, ёши олтмишни қоралаганига қарамай, онасини эслаб, тасалли топади:

Маро гар буд унсе дар замона,

Ба модар буду ў рафт аз миёна...

Агарчи анкабуге нотавон буд,

Ва лекин бар сари ман пилбон буд.

На чандон аст бар чонам гами ў,

Ки битвон қард харғиз мотами ў?!..

Чу махрам нест ин гам, ба қй гўям,

Маро ў буд махрам, бо ки гўям?!

Мазмуни: Агар менга бир замон энг якин киши бўлган бўлса – у онам эди. Мана у хам дунёни ташлаб кетди. Гарчи у чумолидай кучсиз кўринса хам, менинг бошимдаги филбоним эди. Унинг гами ила жоним канча тўла бўлмасин, хамон мотамидан ажралолмайди. Бу гам-хасратни кимга очай? Кўнгилга якин киши йўк. Менинг махрамим факат онам эди – ахир бошка кимни тилга олай?!

Шайх Санъон образи оркали, кайси бир маънода Аттор ўз ишки ва тақдирини хикоя килганлигини билиш хам мароклидир.

Атторшуносликда ёзилишича, мўгул лашкарлари Эрон сархадларига якинлашиб колганда, Атторнинг отаси Иброхим бин Исхок ўглининг хаётини хавф-хатардан омон саклаш максадида бир хинд тужжори билан уни Хиндистонга жўнатади. Атторни у Панжобга олиб бориб, Пирони Розий деган бир олим ва табиб кўлига топширади. Илк учрашувдаёк Розий унга шундай дейди; “Ўглим, Оллох бирор нарсани хам беҳуда яратмаганига инонмок зарур. Одамзот, хайвонот, набототни Оллох яратган ва хар бирининг ўз хусусияти, сир-асрори бор. Инсоннинг хунари ана шу сирларни очиш, алохида илм ўларок ўша хусусият ва фазилатларни хаётга тадбик килмоги жоиз”.

Бу сўзлар бир умрга Атторнинг хотирасида ўранишиб колганди. У маълум бир муддат Пирони Розий кўлида тахсил кўргач, ватанига кайтишга тайёрланади. Шунда кутилмаган воқеа рўй беради: Аттор бир дўконда Аҳди Жахон номли гўзал бир санамни учратиб, уни севиб колади. Ва Эронга кайтиш ниятидан кечади. Хуллас, оташпарастилик динига мансуб бўлган шу кизга у уйланиб, анча вақт Панжобда яшайди. Бу албатта, мусулмонлар хаётида учрайдиган сийрак ходиса эди. Шунинг учун ёш келин-куёвни ота-она, кариндош-уруг кандай кутиб олгани ва шоирнинг юртдошлари ўртасида кандок гап-сўзлар кўзгалганини тасаввур этиш кийин эмас. Шак-шубха йўкки, ўшанда кимлардир Аттор севгисини коралаган, бировлар унга таъна-маломат тошларини отган, бошка бир тоифа кимсалар эса уни кофирликда айблашган. Балки булар Аҳди Жахон хонимнинг калбига каттик озор етказгандир. Балки эрининг табиатидаги катият ва содиклик янада нурланганини кўриб кувончига кувонч кўшилгандир. Нима бўлмасин ва нималар дейилмасин, Аттор Шайх Санъонга ўхшаб чин ошиклик тарикидан чекинмаган. Ишк унинг бутун борлигига куч-кувват багишлаган. Ишк-мухаббат – бу, маглублликдаги голиблик, шикасталикдаги бутунлик эканини ошик шоир чуқур англаган:

Кимда дард эрса, у дармон топмасин,

Кимки дармон истаса, жон топмасин...

Ким бу сўзни жонига этмас хабиб,

Унга етмас ишк тарийкидин насиб.

Хуллас, гавголар тинчиб, фиску фужурлар тўхтайди. Ахди Жахоннинг билими, гайрати, фахм-фаросатига кўпчилик тан беради. Атторга у бир ўгил ва бир киз тугиб беради. Лекин оила, бола-чака ташвиши билан ўралашиб колмасликни ўйлаб отаси Атторни хонакоҳда яшашга юборади. Атторга у ерда яшаш маъкул келмайди ва кўп ўтмай оиласига кайтади. Орадан беш йил ўтгач, тақдир унга ўзининг иккинчи – жуда шафкатсиз кийёфасини очади. Хотини огир хасталикка йўликиб, 1145 йилда вафот этади. Бу – Аттор учун кутиламган зарба ва сўнгсиз айрилиқ эди. Шу мусибатдан кейин шоирнинг соглиги ёмонлашади. Хаётга караши ҳам, ижод йўналиши ҳам кескин ўзгаради. Энди у нажот ва тасаллини тасаввуфдан ахтаради. Отасининг кўрсатмаси билан машхур шайхлар даргоҳига боради. Шундай килиб, Аттор олам ва одам қисмати сирларни Хак ишки ила мушоҳада қилишга кодир бекиёс санъаткор даржасига кўтарилади. У тафаккурнинг энг кийин ва ўзни англашнинг энг машаккатли йўлини танлаган, рост гапни ҳам аввало ўзи хақида айта олган эди:

На марди хиркамен, на марди зуннор,

Гахи масжид, гахи дайр ичра мен зор.

Ўзим киммен, анов ким, беҳабармен,

Яна яхши, ёмон ким, беҳабармен.

Неча пуч нарсаларга, во даригким,

Совурдим, сарфлдим умри азизим...

Сочим оппок окарди, кўр сифотим,

Хамон хирс ичрадирмен, йўк нажотим...

“Ба умри хеш мадхи кас нагуфтам” – “Ўз умримда бирор бир кимсани мадх этмадим”, дейди Аттор. Дарвоқе, у ҳеч бир шох ё султон хузурига бўйин эгиб, касидаю мадхиялар тўкимаган. Бойлик тўплашни ўйламган. Шон-шухрат ортидан қувмаган. Мунофиклик, риё, хушомаднинг ҳар қандай туридан умр бўйи ҳазар қилган. Хоксор ва каноат ила яшаган. Шундай одамки, “Хамон хирс ичрадирмен, йўк нажотим”, деб ҳасратга берилгандан кейин ўзгаларнинг кишилигини кўз олдингизга келтираверинг...

VI

Фаридуддин Аттор мохир ва беназир хикоятнавис. Тасаввуф адабиётида у хикоят, ривоят мавкени баланд кўтарган ижодкор эди. Буюк шоирнинг кайси асарнинг ўқиманг, гўё хикоятлар бўстонида сайр этиб, хикмат ва донишмандлик атридан акл-идрокни яйратасиз. Хар бир хикоятда бир маъно, хар бир маънода бир гўзал оханг, ёркин ранг, рухий тароват. Тасвир ва таъсир йўллари хам хар хил. Хикоятни хикоятга боғловчи “халка”лар, “киссадан хисса” чикариш усуллари хам бўлакча. Зўрикиш, зериктириш, сунъийлик, атайинлик йўк. Хикоят ортидан хикоят худди мухташам хотира чашмасидан окиб-кайнаб чикаётганга ўхшайди. Шоир эса бу холатга етгунча дин, ахлоқ ва тасаввуфга доир неча юзлаб китобларни кўриб, варақлаб чиккан; халқ оғзаки ижодиёти хазинаси билан такрор-такрор кизиккан. “Асрорнома”даги хикоятлар тўғрисида, афсуски, кенгрок тўхталиш имкони йўклиги учун биз улардан факат биттасига диққатни қаратмоқчимиз.

Оддий халкка бирор бир нимани тушунтириш, шу орқали ўзини билишга рағбатлантириш енгил иш эмас. Шунинг учун факат мутасаввиф шоирлармас, олим файласуфлар хам фикр-мулохазаларини оммага қандай етказиш масаласини назардан соқит қилмаганлар. Масалан, машхур файласуф Ибн Рушд икки турли сўзлашувни, яъни халкка бошка, закий, қобилиятли ва билимдон олимларга бошка тарзда гапиришни бир ақидага айлантирган. Умумий фикр-қарашларини билолмаганлар, баъзан унга бутунлай нотўғри муносабатда бўлишган. Бундан эса у ҳеч ажабланмаган ва халкка имон талқинчиси, зиёли, савияси юқори кишиларга мутафаккир киёфасида сўзлашда давом этаверган. Умуман, Ибн Рушднинг дин фалсафасида у ёки бу маънони тамсил ила англантиш ва мисол келтириш жуда муҳим ўрин тутган. Унга кўра, “халқ назарий, мавхум тушунчаларни англашга қодир эмас... Мавжуд бўлган хар бир нарсани халқу ҳалойик туйғулар ила идрок этиладиган борлиқлар шаклида тасаввур ва таҳаюл қилур. Шунинг учун, моддий бўлмаган борлиқларни халкка мисол воситасида ва тамсилий суратда ифодалаш шартдир” [2]. Унингча, сўфийлар танлаган йўл хам назарий бўлмасдан, нафс ва қалбга асосланган. Бу фикрнинг тўғрилигини “Асрорнома”даги катта-кичик – деярли хар бир хикоят тўла тасдиқлайди. Буни билиш ва хатосиз тасаввур айлаш учун эса “Ҳақиқий сўфий ким?” деган савол жавобида адашмаслик керак. Чунки Абдураззоқ Кошоний таъриф берганидек, “сўфий қалби тубдан покланган, фикр ила тўлган... олтин ила тошни теппа-тенг кўргувчи зотдир... Сўфий икки гўзал ҳол ёки иш қаршисида энг гўзалини амалга оширгувчи одам эрур. У қирлардан тозаланган ахлоқ эгаси.... Шу учун у ҳақда “Сўфий барча чиркин хулқлардан тозаланиб, тубанлиқлардан қутулгани ва гўзал хўйлар ила безангани туйғули сўфий дея исмлантирилмишдир”, дейилган. Масалага конкретроқ нигоҳ ташланса, чин сўфий ва сўфийликни қоралаш ва айблаш – гўзаллик, латифлик хис-туйғуларини инсонга раво кўрмаслик, нафс ботқоғига ботиб-булганиб яшашни қўллаб-қувватлаш, хайвоний ва шайтоний майллар ривожига хайрихоҳ бўлиш дейишга тўғри келади.

Ҳолис ақл ила бир ўйланг: хаста ва мажруҳ одам ўзи истаган ёки орзу қилган нарсаларни ўрганиб биладими? Билмайди. Негаки, қасаллик яхши таҳсил йўлидаги

тўсикдир. Рухий ва ахлокий беморликдаги ахвол ҳам худди шундай. Хавойи, демакки, ўткинчи завку сафо билан кун кечирган, шодлик ва хурсандликни маслак даражасига кўтарган, нафсоний орзу-истакларини кондирмок учун жонини жабборга берган кимса, албатта, ахлокан хаста, рухан касалдир. Уни даволмасдан туриб билимли килиш ёки тахсил кўришга шароит яратиш бесамар уриниш эрур. Шу учун сўфийлар адаб, тарбия, тазкия ва тасфия йўли билан аввал ички – нафс, калб, рух хасталикларини даволаб, ана ундан сўнг одамларни билимли килиш зарур деб хисоблашган. Аттор эса бу жихатдан аклни танг ахволга соладиган даражада илгарилагандир. Мен хамиша бир нарсага хайрон қолиб юрардим: баъзи кимсалар бор, умр бўйи илм ва ижод билан шугулланишади. Лекин жонини иши сиккандай, гоҳо ёзгиради, гоҳ кимнидир янчиб-ютиб юборгиси келади. Баъзан огзидан хасад, адоват тутунидан бошка бир нима чикмайди. Хуллас, табиатида на илм, на ижоднинг заррача ҳам ижобий таъсири сезилмайди. Бунинг сири нима? Бу саволга ўзимча жавоб топгандай эдим. Аммо Атторнинг фаррош хакидаги хикоятини ўкиб, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бир галати бўлиб кетдим.

Кунлардан бир куни фаррош атторлик дўкони сари йўл олади. Дўконга кириб боргач, ажиб ходиса юз беради: мушку анбар хиди бурнига урилиши замон у беҳуш бўлиб йиқилади. Бундан чўчиб кетган шўрлик аттор дархол гулоб олиб келади, уд тутатади. Фаррошнинг ахволи баттар бўлади. Яна нима ёрдам кўрсатишни билмай аттор довдираб турганда, каёндандир ўзга бир фаррош етиб келади-да, касбдошининг бурнига нажосат суркайди.

Карангки:

Нажосатнинг хиди урган замони,

Кўзини очди фаррош, кирди жони.

Шоир ушбу воқеадан хулоса чиқариб дейди:

Кишиким этди бадбўйликка одат,

Анга нохуш эрур атру тароват.

Агар мушк атрини олса димоги,

Кўнгилда шу замон сўнгай чароги.

Басе ахлат уйидир нафси носоз,

Камайтар гох киши, гох тўлдирар боз.

Агар жиндак етишса бўйи асрор,

Кетиб хушдин, йикилгай ул нигунсор.

Шу хикоятни ўкигунча, гўзаллик ва нафосат кимларгадир нега халокатли таъсир ўтказиши-ю, нима учун уларнинг ҳеч бир гўзал, кўркам нарсадан



завкланолмасликларининг туб сабабини мен бунчалик аник билмасдим. Демак, гўзалликнинг мадад ва химояга мухтожлиги бежиз эмас экан. “Оламини гўзаллик кутказади” деган гапни ҳам иштибохсиз қабул қилинадиган гап деб бўлмас экан, Атторнинг “Эй инсон, ўз нафсинг, чиркин табиатинг фарроши бўл” деган даъватида сир ва хикмат кўп экан.

## VII

Хожа Ахмад Яссавий адабий меросини ўқиб-ўрганмай, Аттор, Румий, Санойий сингари мутасаввифлар ижодиёти билан танишмай мумтоз адабиёт мутахассиман деб юрган пайтларни эсласам, кўксимга хижолат пичоги санчилгандай бўлади. Дин ва тасаввуф хусусида-ку, гапиришга ҳам хожат йўқ. Инсон онгида бир бузгунлик ва иллат пайдо этилса, унинг дили, идроки, тили ҳам соғ қолмас, энг ёмони, билмагани – билгандай, тушунмагани – тушунгандай бўлиб вагиллаб юравераркан. Маънавий ҳаётда эришганимиздан кўра, эришилмаган ва бой берилгани кўпроқ эканини мустақилликдан буён кундан-кунга ойдинроқ англаётимиз. Тасаввуф адабиёти намуналарига иштиқонинг ортиши шу ҳолат билан ҳам боғлиқ деб ўйлайман. Мана, Аттор асарларини олайлик. Учта китоби ўзбекчага таржима қилиниб нашр этилди. “Мантикут тайр” ва “Илохийнома”, адади унча кўп бўлмаса ҳамки, ҳар қалай ўқувчиларини топди, дейиш мумкин. Тил ва адабиёт институтида ўтказилган “Илохийнома”нинг тақдимот йигинида мумтоз адабиёт бўлими номидан Атторнинг “Асрорнома”сини ҳам таржима қилишни Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолдан илтимос қилган эдик... Шоир бу ишни гайрат ва илҳом ила охирига етказди. Аттор ижодиёти муҳиблари номидан таржимонга миннатдорлик билдирамиз.

Аслият билан таржимани мен қиёслаб ўқиб чиқдим. Маъно ва ифодада нуксонли туюлган байтларни белгилаб, таржимонга кўрсатдим. Қайта кўздан кечирилиб, улар сайқал топди. Бизнингча, Аттор сўзларининг руҳи, фикрларининг ёлкини, тасвирдаги таъсирчанлик ўзбекчада ҳам сусаймаган.

Ҳақиқат чист? Пеш андиш будан

З-худ бигузштану бо хеш будан.

Бу байт:

Хакикат не? Тафаккурга тўлиш ул,

Кечиб ўздин, ўзинг бирлан бўлиш ул –

тарзида ўзбекчалаштирилганки, бунда бирор бир иштибох ё эътирозга хожат сезилмайди. Ўзга исталган байтни олиб киёсланг, каноат ортаверади.

Шайх Аттор “Асрорнома”ни шундай мисралар ила тугатади:

Сухан бо дардтар з-ин касе надийдаст,

К-з-ин хар байт хуне мечакидаст.

Яъни:

Бу янглиг дарду сўз кўрмишми инсон,

Ки хар бир байтидин хун томчилар, кон...

Асарни она тилида ўқиган ўзбек китобхони бу гапнинг ҳақлигига ишонади ва шоир

дардига бир умр хамдард бўлиб қолади. Бизнингча, таржиманинг энг мухим ютуги ҳам ана шундан иборат.

---

[1] Сулаймон Хайри Булай. Фалсафа таълимотлари ва истилохлари сўзлиги. Анкара, 2004. 204-206-бет.

[2] Ибн Рушд. Фалсафа ва дин алоқалари. Истанбул, 2004. 28-29-бет.